

**Энергия таъминоти ташкилоти тармоқларига уланган истеъмолчиларнинг  
электр қурилмаларининг урнатилган қуввати тугрисида  
МАЪЛУМОТ**

**А. Трансформаторлар**

Трансформаторларни урнатиш жойи	Трансформаторнинг паспорт маълумотлари						Шартнома тузиш вақтида уртача юклама (кВт ёки А)
	Тури	Қуввати (кВА)	Қучла-ниши (кВ)	Ток (А)	Қиска туташув исрофлари (кВт.с)	Салт юриш (кВт.с)	

**Б. Бошқа ток қабул қилувчилар**

Электр двигателлар		Электр пайвандлаш аппаратлари		Приборлар		Ишлаб чиқаришни ёритиш		Изох
Сони (дона)	Қуввати (кВт)	Сони (дона)	Қуввати (кВт)	Сони (дона)	Қуввати (кВт)	кВт	Шу жумладан энерготежамкор (кВт)	

**В. Узга субабонент истеъмолчилар**

Истеъмолчиларнинг номланиши, манзилгоҳи	Урнатилган қуввати (кВт, кВА)	Электр хисоблагичнинг завод рақами	Диспетчерлик номланиши	Тариф, сум/кВт.с учун	Изох



Имзолар:



«ЎЗБЕКЭНЕРГО» АЖ  
«СИРДАРЁ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ»  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Бунятон и ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ  
КОРХОНАСИ



ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА  
БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР ИСТЕЪМОЛЧИЛАР  
УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ  
ШАРТНОМАСИ

№ 090117

Бунятон и ишқисослаштирилган санъат маърағи  
(корхона ва ташкилот номи)

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БУЛМАГАН ТАДБИРКОР  
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

ШАРТНОМАСИ

2022 йил 24.01

0017 -сон

Тўқсанов ш

Т.И.С.М

кидон

асосида фаолият юритувчи

Тўқсанов ш. Дилдор Тавашевнинг Корхонаси

рахбари

Ташрафев Ш

(кейинги ўринларда)

“Корхона” деб аталади) билан томондан ҳамли кидон асосида фаолият юритувчи

рахбари

Т.И.С.М

(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади),

хисоб рақами -

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

иккинчи томондан маъқур

шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини

уланган гармок орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолчининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 23331 кВт.с. реактив кВт.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий нархи 480 сўмни, тариф бўйича ташкил этади.

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган, (кереклиси ёзилин)

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини хисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат кнёсловидан ўтказилди, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан Бюро билан ҳамкорликда бепул ўрнатилди, пломбланади ва рўйхатдан ўтказилди.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджети билан молиялаштириладиган насос станциялари буздан мустақилом) электр энергияси учун хисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширилади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз пайт – энг катта юктамали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юктамали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта микдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар микдорда усувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юктамали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нарҳни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатиغا киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширилади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади

Истеъмолчи томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги уринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “\_\_\_\_\_” санасигача ҳудудий электр тармоқлари корхонасига тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлик ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган саналан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўлаш анхажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан оқиб этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри ҳулаши туфайли пайдо буладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади”.

3.6. Истеъмолчиға энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб, ҳисоб-китоб даври бошланишидан қамида 5 кун олдин билдирги тартибда Бюроға мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишиға йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчиға нисбатан электр тармоқларидан тўлик узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга олиради ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим эғади.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектға эға бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этадилади.

Корхона томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлиниб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

*(АСОС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Ўзбекистон Республикасидаги истеъмолчилар тизимида электр тармоқлари шаклидаги ҳисоб-китоб-фактуралардан фойдаланишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори)*

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномаға 3-иловаға мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномаға 4-иловаға мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори кувватға уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқлиниб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади.

*(3-иловаларни реактив кувватға эға ва технологик бронзи истеъмолчилар тўловлари)*

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғиға узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғиға келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғиға истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларға ўтказилади.

3.10. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолнинг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варағини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Бюро ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ёзиб олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Бюро истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари (маиший истеъмолчилардан ташқари) кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб қўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва Бюрога белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил.электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажминини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ЭХНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камидан бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш асбобларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорда тўлов ундирилади.

Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни, (ноқонуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун истеъмолчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорда, электр энергияси маҳсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорда пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоиздан ошмаслиги лозим. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига асосан)

3.13. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

Агар "истеъмолчи" солиштирма далолатномасини имзолашдан бош торгса, Энергия таъминоти корхонаси қарзни ундириш учун шартномавий ҳажмдан келиб чиққан ҳолда

Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тулов талабномаси куйиш йули билан, ҳамда бир томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатнома асосида “Бюро” томонидан мажбурий ундурувга қаратишга, шунингдек суд (судларга) ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишга ҳақли.

3.14. Истеъмолчини куйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:  
шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йул қуйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиб ҳаёти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ўғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний улашиб, талон-тарож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

шартнома, электр таъминоти лойиҳаси ва техник шартлар мавжуд булмаганда;

электр таъминот лойиҳаси ва техник шартларга мос келмаганда

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузиш аниқ учун жавобгарликдан озод этмайди.

Бюро ва электр тармоқлари қорхоналари томонидан истеъмолчининг ҳақиқатдаги қарздорликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик киритилган ҳолда электр тармоқларидан ажратилади

3.16. Истеъмолчи томонидан қондабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тулов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдоридан тулов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилмаган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.18. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилмаган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.19. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган энергияси учун тулов тарифлари куйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан;

Оилавий қорхона турар жойдан бир вақтинги ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий қўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида» 2003 йил 22 августдаги 364-сон қарорининг 3-бандини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга қўрсатиладиган коммунал хизматлар (табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик энергияси, электр энергияси, телефон, оқова сув ва маиший чиқиндиларни ташиш)га тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар буйича тўлайдилар.

#### IV. ТОМОҢЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчининг электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат қўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталлиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмининг ўзгартириш буйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши ва сураётган қушимча миқдор учун 100% олдиндан тўлов амалга оширилган бўлиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат қўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун уз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қиладиган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

эгаллаб турган биносидан уни бериш, сотиш, ижарага расмийлаштириш ёки бошқа сабабларга қўра қучиб кетган тақдирда, бу ҳақда электр таъминоти корхонасини ёзма равишда хабардор қилиш;

ЭЭХНАТ (АИСКУЭ) тизимини барқарор доимий ишлаб туришини таъминлаш;

энергетика тизимининг «Электрхисоб» компютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон рақамига (боғланиш нуктасига) «СМС» орқали юборилган хабарнома,



огохлантириш хагларига уз вақтида муносабатларини билдириш ва зарур ҳолда дархол энерготаяминот корхонасига аниқлик киритиш мақсадида маълум қилиш;

энергетика тизимининг «Электрохисоб» компьютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон раками (боғланиш нуктаси)га шунингдек бошқа бирон реквизицлари узгарган ҳолда ҳолда истеъмолчи дархол электр таъминоти корхонасига хабар бериши;

Бюро ва «Узэнергоинспекция» қонуний курсатмаларини уз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Бюро ва/ёки Корхона вақилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

Йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қаида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга булган эҳтиёжли аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори, энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юқламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юқламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортик бўлган истеъмолчилар маъмур Қоидаларнинг 127-бандида курсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуйидагиларга мажбур:

• маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиш — умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик — уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни қамайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига булган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия утқизиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришининг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни қамайтириш ва электр энергиясини тэжашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни қамайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш буйича (йиллик ва узок истакбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. Корхона куйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Бюрони хабардор қилиб Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш;

электр хужалиғи объектларида авариявий ҳолатларни олдини олиш ёки уларни бартараф этиш буйича кечиктириб булмайдиган чоралар қуриш зарур бўлганда истеъмолчини огоҳлантирмай ва у билан келишмай унга энергия стгакизиб беришни чеклаш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭХНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчилиқка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона куйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс буйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунгазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиғи объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиғи объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай кўрибчиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (қамайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга пломбашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчилиқка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **V. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Электр таъминоти шартномаси буйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиғида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

## 5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолнинг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмолчи ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йул қўйганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани сошлаш билан боғлиқ Уччиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истеъмолчини Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавқулотда авария ҳолатлари юзата келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

Электр энергия таъминоти корхонаси узи билан боғлиқ бўлмаган вазиятлар оқибатида мавжуд булган чеклашлар киритилганда, “электр қурилмаларини тузилиши қоидалари”нинг 1.2.18, 1.2.19 ва 1.2.20 бандларига асосан истеъмолчилар томонидан электр таъминоти ишончилиги тоифаси (категория)га тузри келмаган (лойиха талаблари бажарилмаганда) холда истеъмолчиларда киритилган даъво ва талаблари буйича келиб чиқалган низолар буйича истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзата келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунийликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## VI. ЯҚУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 20 \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ гача булган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди ва кейинги ойдан кучга кирали.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш буйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган холда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарт билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш туғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгариш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январда 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

**VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

**ИСТЕЪМОЛЧИ:** Т.У.С.У.

Юридик манзили Тўқсон ш. Тўқсон к. 96-уй

Хисобрақами 1000 4100 2440 100921000 76 001

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 200 322 701

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилаётган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фондининг хисобрақами 1 3702 000 30010000 10 10

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 200 322 701

Бюджетдан ташқари фондининг хисобрақами 400128602440100921000 56001

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ (ИНН) \_\_\_\_\_

ҚҚС тўловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар; \_\_\_\_\_ Факс; \_\_\_\_\_ e.mail \_\_\_\_\_

*(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди электрон манзил ёзмади)*

Кадастр № \_\_\_\_\_

**Статистик кодлар:**

ОКЭД \_\_\_\_\_

СООГУ 05684

СОАТО 1724401

КФС \_\_\_\_\_

КОПФ 270

ОКПО \_\_\_\_\_

**КОРХОНА:** Тўқсон ш. ЦСАТК

Почта манзили \_\_\_\_\_

Хисобрақами 22836000300134817414

Банк коди (МФО) 00855 (ИНН) 200 324 414

ҚҚС тўловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар: \_\_\_\_\_ Факс: \_\_\_\_\_

**Статистик кодлар:**

СООГУ \_\_\_\_\_

СОАТО 1724401



**ХУКУҚШУНОС ХУЛОСАСИ**

Мазкур элекстр энергиядан фойдаланиш шартномаси \_\_\_\_\_ хукуқшуноси Н. Шабазаров

Ўз.Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 12-январдаги 22-сонли қарори талабларига мувофиқ тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талаблари мўъйил қилмайди. Шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида қонуний ҳал қилинган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низоми ҳал қилиш тартиби белгиланган.

Хукуқшунос \_\_\_\_\_  
(қўл ёзи)

Электр таъминотининг шартномасига  
I - илова

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гуруҳи \_\_\_\_\_
2. Фаолият тури \_\_\_\_\_
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: \_\_\_\_\_ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват \_\_\_\_\_ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) \_\_\_\_\_
6. Ҳисоб-китоб тури: \_\_\_\_\_

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставка; еки аҳолига тенглаштирилган (кераклиси ёзилган)

Йил, жами	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
Январ					
Феврал					
Март					
Апрел					
Май					
Июн					
Июл					
Август					
Сентябр					
Октябр					
Ноябр					
Декабр					

Таъқилот кунига ишлайди \_\_\_\_\_ соат, ойга \_\_\_\_\_ кун

Умумий юкга нисбатдан сменалар бўйича юкларнинг % I \_\_\_\_\_, II \_\_\_\_\_, III \_\_\_\_\_



Электр таъминотининг шартномасига

2 - илова

Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

“Истеъмолчи”нинг (суб “Истеъмолчи”нинг) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) курсатилган ҳолда	Ҳисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори клемма қопқоғидаги пломбанинг рақами		Ўлчов трансформаторларининг трансформация коэффициентлари		Ҳисоб-китоб коэффициенти	Ҳисобга олиш приборининг Шартнома тузилган кундаги курсаткичлари ҳисоблагич курсаткичи	Тариф тури сум/1 кВт с.
			Корхона-нинг	Бюро-нинг	Ток	Кучланиш			



Имзолар:



Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги  
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси  
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Изоҳ: Хар-бир электр хисоблагич учун алоҳида 3- ва 4-иловалар тузилади

Хисоблагич № \_\_\_\_\_ т/тўқ \_\_\_\_\_ қучланиш \_\_\_\_\_ коэффициент \_\_\_\_\_ уланган қуввати \_\_\_\_\_ кат  
Хисоблагичдан ўрнатилган манзил; \_\_\_\_\_

шхсар, кфй, мфи, куча уи № \_\_\_\_\_

1. Тариф гуруҳи \_\_\_\_\_ Фаолият тури \_\_\_\_\_

Труба иш.чпк.Шлакоблок.Гипс.Пяенка иш.чпк.Акфа чеки.Насос.Савдо.Кафе., Оиҳона, Устахона ва...???

1. "Истеъмолчи" нинг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) ҳаво линиялари \_\_\_\_\_

б) кабель линиялари \_\_\_\_\_

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП № \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ кВА

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараси \_\_\_\_\_

3. Улардан қуйидагиларга:

а) \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан,

б) \_\_\_\_\_

Истеъмолчи билан тузилган "Техник хизмат кўрсатиш" № \_\_\_\_\_ сана \_\_\_\_\_ й. шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади. "Техник хизмат кўрсатиш шартномаси тузмаса \_\_\_\_\_ томонидан хизмат кўрсатилмайди"

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди: \_\_\_\_\_



Вакиллар:



**Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва қуйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати \_\_\_\_\_ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ %, реактив энергия йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВАр.соат ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:  
Узунлиги \_\_\_\_\_ м,  
Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>,  
Русуми \_\_\_\_\_,  
Қучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:  
Узунлиги \_\_\_\_\_ м,  
Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>,  
Русуми \_\_\_\_\_,  
Қучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия миқдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолига қаратилади

Имзолар:





Электр таъминотининг шартномасига

5-илова

Энергия (актив, реактив) сарфи буйича  
ХИСОБОТ

20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи буйича

Курсаткичлар қайд этилган сана « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ йил.

Уланган жой номи, хисобга олиш приборининг завод рақами, хисобга олиш тури (актив, реактив)	Ҳисоб-китоб коэффициенти			Ҳисобга олиш прибори курсаткичлари		Ҳисобга олиш прибори курсаткичларининг фарқи	Сарф кВт.с., кВт.Ар.с.	Табакалаштирилган тариф буйича сарф кВт.с.					
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучланиш трансформаторининг (КТ)	умумий	бошланғич	охири			Эрта-лабки г/г/с вақт	Кун	Кечки тигиз вақт	Тун		
											соат	соат	соат
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	13
Жами													

Изоҳ: гр 7= гр 6- гр 5, табаклаштирилган ҳисоб учун назорат рақами гр 7= гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13



Истеъмочи раъбари

Ф.И.Ш.имзоси

МИБ вакили

Ф.И.Ш.имзоси

Корхона энергетиги

Ф.И.Ш.имзоси

Электр таъминотининг шартномасига  
6 - илова

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+36.) кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташиқлотлар уланиш вақтларини тўлдирishi шарт эмас.

## 2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гурuhlари бўйича		
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, ушбу Шартномада курсатилган ва урнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисоба олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устузма қўйилган қиймат солиғи ҳисоба олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

10% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиғи ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати истеъмолчи томонидан қўлаб-қувватланмаслиғи аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан конун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада курсатилганга нисбатан истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги туғрисида "Ўзэнергоинспекция"нинг тасдиқлови булганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар истеъмолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада курсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўйилган қиймат солиғи ҳисоба олинмаган ҳолда актив энергиянинг амалдаги тарифининг 15%



Электр таъминотининг шартномасига

Электр таъминотининг шартномасига

7 - илова

Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА

Истеъмолчинини \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки киска муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуйндагиларни бажариши керак:

1. Усуқна юкларининг технологик брон даражасигача пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкларнинг қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнғин, захарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам кирити (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич \_\_\_\_\_ кВт

II босқич \_\_\_\_\_ кВт

III босқич \_\_\_\_\_ кВт

IV босқич \_\_\_\_\_ кВт

2. \_\_\_\_\_ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария бронни даражасигача узиб қуйилади.

Т/р №	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкларнинг қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёриткичлари юклиниш остида қолдирилади.

б) Ёнғинга қарши захира насослар ва бошқа ёнғинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайди (унинг агрегатлар, зарурлигига қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга кiritилиши мумкин).



Имзолар:



М.У.

(Илоҳ)